

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Бош вазир ва ҳукумат аъзолари иштирок этдилар. Мажлисда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоизга, капитал қўйилмалар 9,3 фоизга ўсиши тахмин қилинаётганлиги, шунингдек, мазкур кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари 2012 йил давомида бўйича юқори бўлиши кутилаётганлиги 2013 йилги бюджет параметрларини шакллантириш учун асос бўлди. 2013 йилда солиқ-бюджет сиёсати бўйича ўтказиш тақлиф этилган тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида Давлат бюджетининг даромадлари ЯИМга нисбатан 21,3 фоизни, харажатлари эса 22,3 фоизни ташкил этади. Давлат бюджети тақчиллиги ЯИМ ҳажмига нисбатан 1 фоиз миқдорида бўлиши назарда тутилган.

Муҳокама чоғида солиқ ва бюджет сиёсати солиқ юкини янада камайтиришга, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилашга, иқтисодиётни модернизациялашни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектларни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, шунингдек, макроиқтисодий мутаносибликни ва аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишини таъминлашга қаратилганлиги қайд этиб ўтилди.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларни муваффақиятли рўёбга чиқариш келгуси йилда мамлакат иқтисодиёти зиммасига

тушадиган солиқ юкини ЯИМга нисбатан 0,3 фоиз қисқаришини таъминлайди. Солиқ юкини янада қисқартириш чора-тадбирларидан бири сифатида жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган энг кам солиқ ставкасини биринчи шкала бўйича 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш тақлиф этилди, бу эса жисмоний шахслар тасарруфидан 186 млрд сўм қолиши имконини беради.

Депутатлар юридик шахсларнинг номоддий активлари (патентлар, лицензиялар, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар) бўлган мол-мулки солиқ солиш объектидан чиқарилиши корхоналар фаолиятига инновацияларни кенг жорий этиш учун яна бир рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, аҳолининг даромадлари ва турмуш фаровонлиги даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, фаол инвестиция сиёсатини ривожлантириш 2013 йилга мўлжалланган бюджет сиёсати ва Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари эканлигича қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Бинобарин, Давлат бюджетининг лойиҳасида ижтимоий соҳани молиялаштиришга жами харажатларнинг 59 фоизидан кўпи сарфланиши назарда тутилган.

Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2,8 трлн сўм ажратиш назарда тутилмоқда. Бу эса жорий йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 22 фоизга кўп.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини маъқуллаб ва тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 30 октябрдан 9 ноябргача бўлган даврда қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР БИР БАЗАДА ТЎПЛАНАДИ

Жорий йилнинг 30 октябрида Ўзбекистон Президентининг солиқ хизмати органларининг ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилган қарори (ПҚ-1843-сон) қабул қилинган бўлиб, у барчамизга тааллуқлидир.

Энди ДСҚ Ахборот-таҳлил бош бошқармасининг асосий вазифалари қаторида солиқ тўловчилар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилишини камерал назорат қилиш учун ахборот таъминоти, солиқ ва молия ҳисоботларни автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш, солиқ тўловчиларга реал вақт режимида кенг кўламли интерактив хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, шунингдек ДСҚ ва бошқа вазирликлар ҳамда идоралар ўртасида, жумладан алоқа каналлари ор-

2-бетда

Интервью

23 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси «Иссиқлик таъминоти соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Иссиқлик таъминоти соҳасида олиб борилаётган ишларнинг кенг миқёсдалигини қайд этиб, суҳбат иштирокчилари ушбу соҳада муносабатларни тартибга солиш зарурлигини таъкидладилар. Истеъмолчиларга иссиқликдан фойдаланиш учун шарт-шароитларни барпо этиш, шунингдек иссиқлик таъминоти тизими объектларидан самарали, ишончли ва хавфсиз фойдаланишни таъминлаш замон талабларини ҳисобга олган ҳолда негиз бўлувчи масалаларни белгиладиган қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб қилади.

КОММУНАЛ ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ҲАЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК

Бизнинг суҳбатдошларимиз:

Собир ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты, Ўзбекистон либерал-демократик партияси «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати» фракциясининг аъзоси;

Полянте СВЕШНИКОВ, Ўзбекистон либерал-демократик партияси «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати» фракциясининг аъзоси.

– **Собир Ваҳобович! Республикада иссиқлик таъминоти соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш қандай йўналишларда амалга ошириляпти?**

– «Иссиқлик таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг ишлаб чиқилган лойиҳаси* иссиқлик таъминотининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, иссиқлик таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишлари, иссиқлик таъминоти етказиб берувчилар ва истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Ўзбекистон иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ғоясини ушбу соҳада юзага келган вазият, шунингдек экология, иссиқлик ресурсларининг чекланганлиги ва бошқа муаммолар билан боғлиқ муаммолар доирасини ҳал қилиш зарурати тақозо этди. Вазирлар Маҳкамасининг «2009–2015 йиллар даврида республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (19.03.2009 йилдаги 78-сон) уни амалга ошириш жараёнини бошлаб берди, айти у мамлакатда иссиқлик таъминоти тизими муаммоларини ҳал этиш мақсадлари, вазифалари, йўллари ҳамда уни ислоҳ қилиш босқичларини белгилаб берди.

Ушбу жараёни яхшироқ идрок этиш учун Концепциянинг қоидаларига тўхталамиз.

Унинг мақсади – асосий фондларни янгилаш ва модернизациялаш йўли билан иссиқлик таъминотини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш, замонавий иқтисодий ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, хом ашё ва молия ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, иссиқлик таъминоти ташкилотларининг фаолиятини мақбуллаштириш, мазкур соҳада тақдим этилаётган коммунал хизматларнинг талаб қилинадиган сифатига эришишдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги аниқ вазифалар белгиланган:

барқарор иссиқлик таъминотининг турар жойлар ва хизмат хоналарида қулай ҳарорат режими ва иссиқлик таъминоти мақбул турини мақбул танлашни таъминлашда барча истеъмолчиларни тўлиқ ҳажмда қондиришга йўналтирилган замонавий ресурс тежовчи тизимини барпо этиш;

*norma.uz сайтига қаранг.

3-бетда

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



1-бетда

қали электрон ахборот алмашувини ташкил этиш ҳам ўрин олган. Сўнгги банд – ахборот алмашуви ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсак.

Гап шундаки, айнан шу Қарор билан Давлат солиқ қўмитасининг ягона ахборот базасининг яратилиши назарда тутилган. Мазкур маълумотлар базасига нафақат минтақавий солиқ инспекцияларининг базалари, балки солиқ тўловчилар мажбуриятларининг пайдо бўлиши (тўхтатилиши) бўйича 43 та идора ва ташкилотнинг маълумотлар базасидан маълумотлар ҳам интеграциялаштирилади. Улар орасида ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, ДБК, Марказий банк, ЎзААА, «Ўзбекнаво», «Ўзбекино», «Ўзбектуризм», ҳокимликлар, «Дававианазорат», «Ўздавтемирийўлнзорат» ҳамда мазкур Қарорга 2-иловада кўрсатиб ўтилган бошқа идора ва ташкилотлар мавжуд.

Юқорида номи келтирилган идоралар солиқчилар билан қандай ахборотни баҳам кўрадилар?

Юридик тил билан айтганда:

лицензияловчи органлар – лицензиялар берилганлиги ҳолатлари тўғрисида, шунингдек улар амал қилишининг бекор қилиниши, тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши ҳақидаги ахборотни;

давлат нотариал идоралари – олди-сотди, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ҳамда ижара тўлови миқдори, шунингдек ворислик ёки ҳадя қилиш тартибида ўтадиган мол-мулк қиймати тўғрисидаги маълумотларни;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси – депозитарийларда рўйхатдан ўтказилган акциялар билан битишувлар тўғрисидаги маълумотларни;

туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекциялар – юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил қилмасдан тузилган деҳқон хўжалиқларини давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳақидаги ахборотни;

«Сувоқава» ИЧБ ва унинг таркибий бўлинмалари – ўлчов асбобларисиз ишлатилган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотларни;

«Хунарманд» уюшмаси ва унинг бўлинмалари – тегишли бўлинмалар реестридан рўйхатдан ўтказилган ва ундан чиқарилган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳақидаги ахборотни тақдим этадилар.

Ушбу рўйхатда кўрсатиб ўтилмаган қолган идоралар ва ташкилотлар солиқ тўловчиларнинг юзага келган (туғатилган) мажбуриятлари ҳақидаги ахборотни ДСКнинг ёзма сўровномасига асосан тақдим этадилар.

Таъкидлаш керакки, бундай кенг қўламли маълумотлар базасини барпо этиш учун етарли вақт ажратилган. Барча минтақавий солиқ инспекцияларининг базаларини интеграциялаштириш бўйича **биринчи босқич 2013 йил 1 январгача** якунланиши керак. **Иккинчи босқич** – солиқ тўловчилар мажбуриятларининг пайдо бўлиши (тўхтатилиши) бўйича вазирликлар ва идораларнинг маълумотлар базасини Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар ягона ахборот базасига интеграциялаштириш – **2015 йил 1 январгача** давом этади.

Ушбу барча чоралар сиз билан биз тўлаётган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш даражасини оширишга, солиқ тушумларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва солиқ тўлашдан бўйин товланишнинг олдини олишга қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар комплекси шакл-шубҳасиз Ўзбекистон иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади.

ЛИЦЕНЗИЯ ЙИГИМЛАРИ МИҚДОРЛАРИ КАМАЙМОҚДА

Президентнинг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон Фармони ижро этиш доирасида рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда йиғим миқдорларининг камайтирилиши давом этмоқда. Чунончи, **Президентнинг 7.11.2012 йилдаги ПҚ-1850-сон қарори билан** ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия олиш учун аризани кўриб чиққанлик учун йиғим миқдори 2 мартага – **ЭКИХнинг 4 бараваридан 2 бараваригача** камайтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН 2 ГЭСНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА КРЕДИТ ОЛДИ

Бугунги кунда Ўзбекистон энергия тизимида умумий қуввати 12,4 минг МВт бўлган 45 та

электр станцияси, шу жумладан «Ўзбекэнерго» ДАКнинг умумий қуввати 12,04 минг МВт бўлган 16 та электр станцияси мавжуд. Улар орасида Фарҳод ГЭС ва Тошкент вилоятида жойлашган 5 та ГЭС каскади мавжуд.

Республика энергия тизимининг генерацияловчи қувватларини модернизациялаш доирасида **Вазирлар Маҳкамасининг 5.11.2012 йилдаги 316-сон қарорига** мувофиқ Фарҳод ГЭС ва Куйи Бўзсув ГЭСлари каскадининг 14-ГЭСидан ишончли фойдаланиш мақсадида лом тараққиёт банки (ИТБ) 16 йил муддатга 100,0 млн АҚШ доллари тақдим этди. Бунда имтиёзли давр 4 йилни ташкил қилади. Кўрсатиб ўтилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун «Ўзбекэнерго» ДАК масъулдир. ИТБнинг молиявий маблағларини қайтариш билан боғлиқ барча харажатлар ҳам унинг зиммасига юклатилган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ислон тараққиёт банки вакили билан инвестиция лойиҳасини молиялаштириш бўйича Лизинг, Агентлик, Сервис ва Грант битимларини имзолайди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи (АВ томонидан 2.11.2012 йилда 2399-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тиббиёт муассасалари типлари ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом талаблари лицензия асосида тиббий фаолиятни амалга оширадиган тиббиёт муассасаларига татбиқ этилади. Ҳужжат билан тиббиёт муассасаларининг типлари белгиланган. Уларга тез тиббий ёрдам, амбулатория, стационар ва дезинфекция муассасалари киради. Тиббиёт муассасаларининг типлари ихтисослигидан келиб чиқиб шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиши, касалликларни профилактика қилиши, маслаҳатлар олиб бориши, диагностика қилиши ва даволаши (операция қилиш йўли билан ҳамда операция қилмасдан) мумкин. Тиббиёт муассасалари ихтисослиги доирасида амалга ошириши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати ҳужжатга иловада кўрсатилган.

Низомда шунингдек ихтисослаштирилмаган тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширилиши тақиқланган диагностика ва даволаш турлари кўрсатиб ўтилган. Улар орасида туғруқни қабул қилиш ва ҳомиладорлик кечилиши тўхтатиш (аборт қилиш), шунингдек келиб чиқиши криминал хусусиятга эга бўлган жароҳатларни даволаш мавжуд.

2012 йил 12 ноябрдан кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқа шарҳларни эксперт-юристаримиз **Елена ЕРМОХИНА** ва **Сардор ДЖУМАШОВ** тайёрладилар.

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
махсулот сертификатланган

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Депутатлар 2013 йилги Давлат бюджетини қабул қилдилар **1-бет**

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**

✓ ИНТЕРВЬЮ

– Коммунал энергетика муаммолари ҳал қилиниши керак **1, 3-бетлар**

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Биринчи иш куни
– Ходим синовдан ўтолмади...

– Уч ойдан кўп синаш мумкин эмас

– Иш вақтидан ташқари иш хусусида

– Иш берувчи ҳисобидан про-гул **4-5-бетлар**

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Қайси ҳужжатга асосланиш керак?

– Устав фонди шакллантирилганлигини исботлаймиз **6-бет**

✓ НАРХ СИЁСАТИ

– Бюджет маблағлари ҳисобига харид назорат остида **7-8-бетлар**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	16.11.2012	1	0,7848	1	1,0023	1	0,0248
Арманистон	16.11.2012	1	407,38	1	518,68	1	12,83
Беларусь	17.11.2012	1	8530	1	10890	1	269
Грузия	17.11.2012	1	1,6706	1	2,1268	1	5,267
Қозоғистон	17.11.2012	1	150,3	1	191,59	1	4,74
Қирғизистон	17.11.2012	1	47,2977	1	60,3093	1	1,4912
Латвия	20.11.2012	1	0,55	1	0,702804	1	0,0174
Литва	19.11.2012	1	2,7071	1	3,4528	10	8,5315
Молдова	16.11.2012	1	12,2988	1	15,6983	1	0,3885
Тожикистон	17.11.2012	1	4,7643	1	6,1454	1	0,1507
Ўзбекистон	20.11.2012	1	1966,36	1	2504,87	1	61,99
Украина	16.11.2012	100	799,3	100	1019,587	10	2,5221
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	17.11.2012	1	31,7184	1	40,4759	-	-

Манба: www.prime-tass.ru

КОММУНАЛ ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ҲАЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК

мавжуд иншоотлар ва жойларнинг истеъмолчилик сифатларини яхшилаш бўйича техник ечимларни ишлаб чиқиш, барқарорлиги кафолатланган иссиқлик таъминоти ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг харажатларини камайтириш негизида аҳолининг ижтимоий ҳимояси даражасини ошириш;

• тақдим этилаётган коммунал хизматларнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги ва сифатини ошириш ва баъзи бошқа вазифалар.

Ўзбекистонда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими ўтган асрнинг 50–70-йилларида очик сув олиш ва биноларнинг иситиш тизимлари иссиқлик тармоқларига уланиш чизмаси (биноларнинг иситиш гидроэлеваторлар, аралаштириш қурилмалари орқали бевосита иссиқлик тармоқларига қўшилган) бўйича шаклланди, иссиқлик сув таъминоти эса сув қозонхоналарда кимёвий йўл билан тозаланган ҳолда иссиқлик тармоғидан келиб тушади. Бунда, ёпиқ тизимлар билан таққослаганда, қувурларнинг юқори даражада эскириши, ижтимоий объектлардаги квартиралар ва хизмат хоналаридаги иситишни ёмонлаштириб, истеъмолчиларнинг иссиқ сув таъминоти қувурлари ичида қуйқаларнинг жадал тўпланиши очик тизимларга хосдир.

Монтажи кам харажатли, бироқ фойдаланиши қимматга тушадиган бундай тизимларга иссиқ сув таъминоти ва иссиқлик тармоқлари қувурларининг умри қисқалиги, иссиқликни ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилишда фойдаланиш чиқимларининг юқорилиги, тармоқ суви ва, тегишинча, иссиқлик энергиясининг меъёрдан ортиқча харажатлари хосдир. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.



– **Собир Ваҳобович, аниқ рақамларни билсак бўладими?**

– Албатта.

Мамлакатда 2 мингдан ортиқ иссиқлик манбалари, шу жумладан йирик туман иссиқлик централари ва қозонхоналари мавжуд. «Иссиқлик манбаи» корхоналари иссиқлик энергиясининг улгуржи сотувчилари, ишлаб чиқарувчи – етказиб берувчилар «Ўзбекэнерго» ДАК тизими корхоналари, шунингдек бошқа идоралар ва корхоналарнинг қозонхоналаридир. Ёқилги сифатида уларнинг 80%дан кўпи газдан, 13%дан кўпи кўмир ва сланецлардан, қолганлари суюқ энергия манбаларидан фойдаланади. Бунда қозонхона ускуналари тез эскиради, улар маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган – баъзи ерларда улардан 50 йил ва ундан кўп вақтдан бери фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида бир Гкал ишлаб чиқаришга ёқилги (табиий газ) сарфи белгиланган меъёрларини республика бўйича ўрта-

ча 1,5 мартага оширади, пойтахтда (ҳажмларни ҳисобга олганда) ушбу кўрсаткич юқори.

Иссиқлик таъминотининг ҳудудий тизимлари иссиқлик энергияси манбаларининг мақбул юкланишини таъминламайди ва, тегишинча, аҳоли пунктларининг иссиқлик таъминотига доир жами харажатларнинг пасайишига имкон бермайди. Иссиқлик тармоқлари умумий узунлиги 5 минг км га етади, уларнинг учдан бири реконструкция қилинишга муҳтож.

Кўп квартиралар уйларда иссиқлик тармоқларининг уй ичидаги муҳандислик-техник ускуналари эскирганлиги уйларни тасдиқланган меъёрий параметрларга мувофиқ иссиқлик билан таъминлаш имконини бермайди. Бундан ташқари, марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан узилган айрим кўп квартиралар уйларда аҳоли кўпинча сертификатлаштирилмаган, демак, ёнгина қарши хавфсизликка риоя этилиши кафолатланмайдиган газ ва электр асбобларини ёқиб иситилади.

Бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, иссиқлик таъминоти объектлари қуйидаги бир қатор камчиликларга эга:

• иссиқликдан фойдаланиш самарадорлиги паст – 50%гача, насос ва тортиш ускуналари кўп энергияни талаб қиладди, юктамалар бўйича ускуналар унмдорлиги бошқарилмайди;

• элеватор узеллари ва ички тақсимлаш тармоқлари конструкциялари такомиллашмаган, бу эса уларни гидравлик бошқариш имкониятини истисно этади. Оқибатда истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлашда нуқсонлар келиб чиқади;

• корхоналар томонидан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш технологик режимлари бузилиши оқибатида иссиқлик тармоқларининг қувурлари қисқа муддат хизмат қиладди, технология устидан назорат йўқ, иссиқлик элтувчининг параметрларига риоя этилмайди, қувурларни ётқизишнинг узок ишлатилиш ва коррозиядан пухта ҳимоя қилишни таъминламайдиган эскирган технологиялари қўлланади;

• иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун очик сув олиш технологиялари қўлланади ва сувни кимёвий тайёрлаш учун техник туздан фойдаланилади, оқибатда бу сув ҳавзалари ва тупроқни экологик жиҳатдан ифлосланишига олиб келади;

• иссиқлик энергиясининг кўп ҳажмда талафотига йўл қўядиган иссиқликни изоляциялаш самарасиз материалларини қўллаш;

• қиш даврида паст ҳароратли иссиқлик элтувчини узатиш, бу эса торайтириш/бошқариш қурилмалари бузилиши, иссиқлик элтувчининг иситиш тизимларидан оқиб кетишига олиб келади ва ҳ.к.

Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асос тўғрисида сўзлаганда иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, асосан, Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш қоидалари (рўйхат рақами 648, 20.12.1999 йил), Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 2-илова) ҳамда Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилги, электр

энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юктамаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1687, 7.06.2007 йил) билан амалга оширилади. Албатта, улар ҳамма жиҳатларни қамраб олмайди ва бундай бўла олмайди ҳам.

Айни шу сабабли мазкур соҳада амал қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш лозим. Иссиқлик таъминоти тармоғида уни таҳлил қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш: «Иссиқлик таъминоти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, республика Уй-жой кодекси ва бошқа ҳужжатларга рухсат олмаган ҳолда иситиш тизимига уланиш ёки уни шикастлаганлик учун иссиқлик энергиясидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлигини ошириш қисмида ўзгартиришлар киритиш даркор.

Ушбу йўналишда иссиқлик таъминоти тарифларни шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш зарур.



– **Полянте Грамитович! Уйлари-миз ва офислар иссиқ бўлиши учун амалда нима қилиш керак?**

– Фикримча, ишни иссиқлик таъминоти корхоналарининг (қозонхона ускуналари, магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқлари), кўп квартиралар уйларнинг техник ҳолатини (уй ичидаги ускуналар, стояклар, элеваторлар, уйлар томининг эскирганлик даражаси ва иссиқлик талафотлари даражаси) инвентаризация қилишдан, шунингдек истеъмолчилар ҳамда уй-жой фондини иссиқ сув ва иссиқлик энергияси сарфини ҳисобга олувчи электрон асбоблар билан жиҳозлашдан бошлаш керак.

Шунингдек инвентаризациялаш натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш негизида мамлакатимиздаги 29 йирик шаҳарнинг Атмосфера ҳавосининг экологик ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича Киото баённомаси талабларига мувофиқ келадиган **Иссиқлик таъминотини ривожлантириш бош чизмасини** ишлаб чиқиш зарур.

Ижтимоий инфратузилманинг янги қурилаётган объектларида (мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқалар) ва уй-жой фондида локал иссиқлик таъминоти тизимини қўллаш учун объектлар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Иссиқлик таъминоти объектларига хизмат кўрсатишни, танлов бўйича шартномавий асосда муқобил ижрочиларни

танлаган ҳолда, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг рухсатномасига эга бўлган сервис ва бошқарув ташкилотларига топшириш мумкин.

Иссиқлик энергияси ва иссиқ сув сарфини ҳисобга олиш замонавий асбобларини ўрнатиш истеъмол қилинаётган иссиқлик энергиясининг ҳажмини 20%га қадар тежаш имконини беради. Бунинг учун қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳам тақозо этилади. Абонентларга иссиқлик истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш эса иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлашга имкон яратиб, энергетика ресурслари истеъмолчилари ва етказиб берувчиларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиради.

Кадрлар тайёрлаш мавжуд базасининг таҳлили, шунингдек ушбу масалада дунёдаги илғор мамлакатлар тажрибаси негизида иссиқлик таъминоти соҳасида мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштиришга доир тақлифларни тайёрлаш ва киритиш ҳам бирламчи вазифалардан бири бўлиши керак.

Албатта, туб ўзгартиришлар ва қўйилган вазифаларнинг кенг миқёслигини ҳисобга олган ҳолда мазкур Концепцияни 3 босқичда амалга ошириш назарда тутиляпти. I босқич 2010–2012 йилларга мўлжалланган, II босқич 2013–2016 йилларда амалга оширилади ва III босқич 2017–2019 йилларда бажарилиши режалаштириляпти.

– **Собир Ваҳобович, қонунни қабул қилиш ва Иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини амалга ошириш қандай иқтисодий наф келтиради?**

– Мазкур Концепция ва унга доир Дастурни амалга ошириш мақсадли давлат молия ресурсларини иссиқлик таъминоти соҳасидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишга жамлаш имконини беради.

Тежамли қозонхона ва насос ускуналари жорий этиш, иссиқлик энергиясини ташиш ва истеъмол қилишда иссиқлик йўқотишни пасайтириш ҳисоби-га иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизациялаш дастури, мутахассис ва экспертлар айтганларидек, йилига 1 млрд куб метрдан ортиқ табиий газ ва 400 млн кВт/соат электр энергиясини тежаш имконини беради. Бундан ташқари, электр ва иссиқлик энергияларини қўшиб ишлаб чиқариш бўйича пилот лойиҳаларини амалга ошириш йилига 0,5 млрд куб метрдан зиёд табиий газни сақлаб қолади.

Концепция доирасида лойиҳаларни амалга оширишнинг умумий қиймати 1,7 трлн сўм миқдорида белгиланган, уни амалга оширишдан олинadиган йиллик иқтисодий самара эса йилига 143,7 млрд сўмни ташкил қиладди. Шунингдек тежаланган табиий газни экспортга реализация қилиш ҳар йили қўшимча равишда 250 млн АҚШ долларидан кўп маблағ олиш имкониятини беради.

Юқорида саналган масалаларни ҳал қилишнинг муҳимлиги ва зарурлигини англаш, бизнинг қатъий ишончимизга кўра, «Иссиқлик таъминоти тўғрисида»ги қонунни яқин вақт ичида қабул қилиш имконини беради.

– **«Норма» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖнинг бош маслаҳатчиси Маъруф УСМОНОВ суҳбатлашди.**

БИРИНЧИ ИШ КУНИ

Мен 2012 йил 15 ноябрда хусусий фирма билан меҳнат шартномаси тузаман. Ўз меҳнат вазифаларимни бажаришга қачон киришишим керак?

Ш.Рустамов. Тошкент шаҳри.

– Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 73-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасида **унинг тузилган санаси**; шунингдек мажбурий шарт сифатида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажаришга киришадиган **иш бошлаш санаси** кўрсатилади. МК 72-моддасининг биринчи қисмига кўра меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Меҳнат шартномаси МК 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаб қилганидек мажбурий тарзда бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

МКнинг 83-моддасида белгиланишича, қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган

меҳнат шартномаси у имзоланган пайдан бошлаб кучга киради, демак, умумий қоидага кўра меҳнат муносабатлари тарафлари томонидан имзоланган санаси унинг кучга кириш санаси ҳисобланади. Бироқ саналар фарқланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда **ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим**.

Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш кунини ҳақида шартлашилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси имзоланган иш кунининг (сменанинг) эртасидан кечикмай ишга тушмоғи лозим (МК 83-моддасининг иккинчи қисми). Масалан, меҳнат шартномаси 2012 йил 15 ноябрда имзоланган. Ходим меҳнат вазифаларини бажаришга киришиши керак бўлган муддат шартномада белгиланмаган. Бундай вазиятда унинг меҳнат фаолияти 2012 йил

16 ноябрдан бошланади. Ходим 2012 йил 16 ноябрдан бошлаб ишга қабул қилинган деб ҳисобланади ва ушбу сана иш берувчининг буйруғида (фармойишида) кўрсатилади.

Шу билан бирга тарафлар шартноманинг кучга кириш санасини мустақил белгилашлари мумкин. Масалан, меҳнат шартномасини тарафлар 2012 йил 15 ноябрда имзолаганлар.

Агар шартномада ходим меҳнат вазифаларини меҳнат шартномаси имзоланган кундан, яъни 2012 йил 15 ноябрдан бошлаб бажаришга киришиши қайд этилган шарт бўлса, у 2012 йил 15 ноябрдан ишга чиқиши керак.

Агар шартномада ходим 2012 йил 26 ноябрдан меҳнат вазифаларини бажаришга киришиши назарда тутилган бўлса, ана шу кундан у меҳнат қилишни бошлаши керак.

Яқинда биз синов муддатидан ўтмаган ходимни ишдан бўшатдик. Ходим буйруқ билан тилхат берган ҳолда таништирилди. Энди у шикоятлар ёзиб, ишдан бўшатилиши тўғрисида огоҳлантирилмаганлигини ва ж қилиб кўрсатиб, ишга тикланишга уринаяпти. Наҳотки биз ноҳақ бўлсак?


Дирекция.

ХОДИМ СИНОВДАН ЎТтолмади...

– Ҳа, сиз ноҳақсиз.

МК 87-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ **агар ходим синовдан ўтолмаса, иш берувчи синов муддати тугашигача у билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, уни бу ҳақда камида 3 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиш ҳуқуқига эгадир**. Бу билан қонун меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ходим учун қўшимча кафолат белгилайди.

Ушбу модданинг маъносидан шу нарса келиб чиқадики, мазкур меъёрга риоя қилмаслик (меҳнат шартномасини огоҳлантирмасдан ёки 3 кундан кам қолган муддатда огоҳлантириб бекор қилиш) иш берувчи учун нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига кўра мансабдор шахснинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши унга ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш эса нотўғри деб эътироф этилиши мумкин. Яъни буйруқ ва меҳнат шарт-



номаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш турли ҳужжатлар бўлиб, улар турли функцияларни бажаради.

Шу тариқа, синов натижаси қониқарсизлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибига риоя этиш учун **меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида биргина буйруқнинг ўзи етарли эмас** ва ходим суд тартибида ишга тикланиб, унга мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўланиши мумкин.

УЧ ОЙДАН Кўп СИНАШ МУМКИН ЭМАС

Мен кадрлар бўйича менежер бўлиб ишлайман. Яқинда бизда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш масалалари бўйича семинар ўтказилди. Семинарда бизга ишга қабул қилаётганда 1 ойлик синов муддати белгиланади деб айтишди. Мен ҳайрон қолдим, чунки яқинда ходимни ишга қабул қилиб, унга 3 ойлик синов муддати белгиланган эдик.

Эҳтимол, биз хато қилгандирмиз ёки қонун ҳужжатларига қандайдир ўзгартиришлар киритилдими?

Альфия.

– Йўқ, сиз хато қилмагансиз, балки семинарда тўғри бўлмаган ахборот беришган.

Умумий қоидага кўра синовнинг чегараланган муддати – 3 ой. Бунинг маъноси шуки, иш берувчи унинг муддатини 10 кун, 2 ҳафта, 1 ой ва ҳоказо қилиб белгилаши мумкин, бироқ 3 ойдан ошмаслиги керак. Бунда ходим (илгари бўлганидек) ишчилар, хизматчилар ёки раҳбарлар таркибига киришининг аҳамияти йўқ – барча тоифадаги ходимларда дастлабки синов муддати 3 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас (МКнинг 85-моддаси).

Дастлабки синов тўғрисидаги битим – меҳнат шартномасининг қўшимча шартларидан бири.

Ишга қабул қилаётганда синовдан ўтказишдан мақсад ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўришдир. У меҳнат шартномасида кўрсатилган бўлиши лозим, агар тарафлар шундай шарт тўғрисида келишиб олишса. Айни меҳнат шартномаси синов муддати билан ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади (МКнинг 84-моддаси).

Шу тариқа, МК 85-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ **ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати 3 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас**.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс: (998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

Бу – қизик

2012 ЙИЛДАГИ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖОЗИБАДОР ИШ БЕРУВЧИСИ» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАРИ ЧИҚАРИЛДИ

Ўзбекистонда кўплаб иш ўринлари яратилмоқда ва эндиликда бўлғуси ходимлар ишларни танлаш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Бу ҳақда SuperJob.uz порталига кирган талабгорлар орасида ўтказилган йиллик сўровнома яқунларидан билиш мумкин, унда 2012 йилнинг жозибадор иш берувчилари аниқланган. Жорий йилда «Ўзбекистоннинг жозибадор иш берувчиси» номига 27 та компания сазовор бўлди.

– «Жозибадор иш берувчи» қуйидаги мезонлар бўйича танланди: иш берувчининг рекрутинг соҳасидаги фаоллиги, ва-

кансияларга талабгорлар томонидан улар эълон қилинган даврда шикоятларнинг тушмаганлиги, шунингдек ходимларни

SuperJob.uz

ишга қабул қилгандан кейин 6 ой давомида иш берувчи томонидан меҳнат битимлари шартларининг бузилмаганлиги, – деди SuperJob.uz нинг жамоатчилиги билан алоқалар бўйича менежери Руслан Байгануров. – Лекин «Жозибадор иш берувчи» тадқиқоти ҳолислигининг асосий омилини талабгорларнинг ўзлари аниқлайдилар. Қизик жиҳати шуки, андозадаги иш берувчининг яхлит қиёфаси ўзига хосдир. Гап шундаки, бу йилги ғолиблар рўйхатида йирик корпорациялар қатори, фаоли-

ятнинг турли жабҳаларидаги кичик фирмалар ҳам кирган. Бу эса бозор сегментациясидан ва иш берувчи ҳамда талабгорлар томонидан таклифнинг кенглигидан дарак беради.

«Жозибадор иш берувчи»лар сафи йилдан йилга ортиб бораётганини қайд этиш лозим. 2010 йилда 15 та компания ғолиб бўлган бўлса, 2011 йилда улар сони 18 та, 2012 йилда рекорд кўрсаткич – 27 тага етди. Бу борада мутлақ ғолиблар ҳам бор, масалан Nestle Uzbekistan, Lukoil Uzbekistan, General Motors Uzbekistan мазкур йиллар давомида ушбу фахрий номга сазовор бўлиб келмоқдалар.

Жорий йилда «Ўзбекистоннинг жозибадор иш берувчиси» номи олишга илк бор «Билайн Ўзбекистон» компанияси муваффақ бўлди, унинг номига талабгорлардан кўплаб илиқ тилаклар билдирилган.

Амалиётнинг кўрсатишича, ходимларни Интернет орқали қидиришга борган сайин кўпроқ компаниялар мурожаат қилишмоқдаки, бу ўз навбатида, талабгорларнинг юқори даражадаги қизиқишидан дарак беради. Бундан Ўзбекистондаги меҳнат бозори тез суръатларда тараққий этаётганини ҳам билиб олса бўлади.


Евгений НИКОЛАЕВ, бизнинг эксперт.

ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШ ХУСУСИДА

Москва вилоятидаги ҳамкорларимиздан фойдали буюртма олдик ва корхона раҳбари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда иш кунини – душанбадан жумагача – баъзи цехларнинг ходимлари учун 2 соатга узайтириш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Директор ва касаба уюшмаси қўмитаси шундай қилишга ҳақлими?

Н.Круглов, цех бошлиғи.



Иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитасининг ҳаракатлари ноқонунийдир.

Иш берувчи иш кунини ходим учун белгиланган кундалик иш муддати (смена)дан ортиқча 2 соатга узайтирганлиги боис мазкур иш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади (Меҳнат кодекси 124-моддасининг биринчи қисми, бундан кейин – МК). Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин (МК 124-моддасининг иккинчи қисми).

Иш берувчининг хоҳишига кўра иш вақтидан ташқари иш ташкил этилганда, ходимларнинг розилигидан ташқари, агар мазкур корхонада ходимлар ваколатли органи фаолият юритаётган бўлса, унинг ҳам фикрини ҳисобга олиш лозим.

Ҳар бир ходимнинг иш вақтидан ташқари ишга розилиги ёзма равишда расмийлаштирилиши керак ва уни иш вақтидан ташқари иш бошланишига қадар олдиндан олиш

лозим. Иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади (МКнинг 157-моддаси).

Агар ходим ёзма розилик беришдан бош тортса, унга иш вақтидан ташқари, ишни бажаришни топшириб бўлмайди.

Иш сменасининг муддати 12 соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди (МК 124-моддасининг учинчи қисми).

Бундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни (МКнинг 245-моддаси); ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни (МКнинг 228-моддаси) иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Ногиронларни ҳам иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди, бунга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий

тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади (МКнинг 220-моддаси бешинчи қисми).

Шу тариқа, иш берувчи мазкур вазиятда ходимларнинг розилигисиз уларни иш вақтидан ташқари ишга жалб эта олмайди. У ходимнинг ёзма розилигини олиши ва ходимлар вакиллик органининг (агар у бор бўлса) фикрини ҳисобга олган ҳолда иш вақтини узайтириш тўғрисида буйруқ чиқариши керак.

Хулосада шуни таъкидлаш лозимки, ходимларни иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш тўғрисидаги қонун талабига риоя этиш жуда муҳим, акс ҳолда ходимларнинг асосий меҳнат ҳуқуқларидан бири – дам олиш ҳуқуқи бузилади. Кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида назарда тутилган жавобгарликка – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади.

ИШ БЕРУВЧИ ҲИСОБИДАН ПРОГУЛ

2006 йилдан бери «НУ» МЧЖда ходимлар бўйича менежер лавозимида ишлаган эдим. Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди бўйича меҳнат вазифаларимни мунтазам тарзда бузганлигим учун ишдан бўшатиладим.

Ишдан бўшатишларидан норози бўлиб, судга ишга тиклашлари, интизомий жазо кўрилиши тўғрисидаги буйруқларни бекор қилишлари, мажбурий прогул қилинган вақт учун ҳақ ва маънавий зарарга компенсация тўлашлари тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилдим.

Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан ишга тикландим. Интизомий жазо кўриш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар бекор қилинди. МЧЖдан мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар компенсациясини ундириш талабим қисман қондирилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 3.07.2012 йилдаги ажрими билан Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг кўрсатилган ҳал қилув қарори ва мазкур фуқаролик иши бўйича қарор ўзгартиришсиз қолдирилди.

Ҳал қилув қарорини суд 18.04.2012 йилда қабул қилган. Бироқ 7 банддан 2 таси бажарилмади (уларнинг бири 8.05.2012 йилгача бажарилса-да, тўлиқ даражада амалга оширилмади):

1) мени меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан, яъни 21.10.2011 йилдан ишга тиклаш тўғрисида. Мени 18.04.2012 йилда, суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ишга тиклашди;

2) менга мажбурий прогул вақти учун 21.10.2011 йилдан 18.04.2012 йилгача бўлган давр учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан, уни «НУ» МЧЖдан менинг фойдамга ундириш йўли билан ҳақ тўлаш тўғрисида.

МЧЖ тўғри қилганми?

Менга мажбурий прогул вақти учун ҳақ қайси ҳисобдан тўланиши керак ва унга нималар киради (мен устамалар олган даврни ёки ноқонуний равишда интизомий жазолар қўллангандан кейинги даврни олиш керакми)?

Р.С. Аудиторларга 29.10.2012 йил ҳолатига кўра мажбурий прогул вақтига ҳақ тўлаш, ҳисобланмаган ўртача ойлик мукофот ва қўшимча ҳақларни тўлаш учун ҳисоб-китоб қилишларини сўраб мурожаат қилдим.

Н.Мирзохидова.

– Мазкур ҳолда МЧЖ (бундан кейин – жамият) нотўғри иш тутган.

1. Ишга тиклашга келсак, МК 111-моддасининг қоидаларига кўра меҳнат шартномаси қонуний асоссиз бекор қилинган тақдирда, ходим меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган, яъни суд томонидан аввалги ишига тикланиши керак (МК 271-моддасининг биринчи қисми).

Сизнинг вазиятингизда сиз билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг ҳал қилув

қарори билан ноқонуний деб топилган.

МК талабларидан келиб чиқича, ходимни ишга тиклаётганда меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний деб эътироф этилиши муносабати билан ходим ишламаган вақт даври мажбурий прогул вақти деб ҳисобланади. Охириги иш кунидан бошлаб суд томонидан уни ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган кунгача бўлган давр – ходим билан меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилиниши оқибатида унинг мажбурий прогулидир. Ушбу давр суднинг 21.10.2011 йилдаги ҳал қилув қароридан 18.04.2012 йилгача деб кўрсатилган (МКнинг 111, 112, 275-моддалари).

Бироқ жамиятнинг сизни ишга тиклаш тўғрисидаги буйруғи 8.05.2012 йилда – 20 кундан кейин – суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорларини дарҳол ижро этишни назарда тутадиган Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) 218, 219-моддалари ва МК 273-моддаси биринчи қисмини буз-

ган ҳолда чиқарилган ва сиз меҳнат шартномаси бекор қилинган санадан (21.10.2011 йил) бошлаб эмас, балки суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан (18.04.2012 йил) бошлаб ишга тиклангансиз. Жамиятнинг айби билан сизнинг меҳнат стажингиз МКнинг 111-моддаси, 112-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси, 142-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси; ФПК 218-моддаси ва 219-моддаси биринчи қисмининг 4-банди; Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» қарори (17.04.1998 йилдаги 12-сон) 46-бандини бузган ҳолда узиб қўйилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этиш – иш берувчининг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятидир. Бундай ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин у чиқарилган ҳал қилув қарорига мувофиқ ходимни ишга тиклаш тўғрисида буйруқ чиқариши ва уни

аввалги ишга қўйиб, мажбурий прогул вақтига ҳақ тўлаши шарт (МКнинг 275-моддаси; ФПКнинг 218, 219-моддалари).

2. Мажбурий прогул вақтига ҳақ тўлаш тўғрисида сўзлаганда шуни таъкидлаш жоизки, иш берувчи ходим ишлаш имкониятидан маҳрум этилган ана шу бутун вақт учун иш ҳақини ҳисоблаб ёзиши ва тўлаши шарт. Ушбу мажбурият иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ходимни аввалги ишга тиклаш билан бир вақтда бошланади ҳамда ходимни ишга тиклаш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ходимга меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилиниши сабабли мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари кўриб чиқиётганда ходимнинг пул талаби меҳнат низоларини кўрадиган орган томонидан кўпи билан 1 йил ичида қондирилади (МК 112-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси, 188-моддаси, 275-моддасининг учинчи қисми).

Аудиторлар тузган, сизга мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш ҳисоб-китобини ўрганиб, шуни

айтишимиз мумкинки, ушбу ҳисоб-китобларни тайёрлаётганда улар амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилиб, биринчи инстанция суди томонидан бекор қилинган, сизга нисбатан интизомий жазолар қўлланиши туфайли меҳнат фаолиятини юритганингизда ҳисобланиши мумкин бўлган мукофот ва қўшимча ҳақларни эътиборга олганлар (МКнинг 169, 188-моддалари; ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 6-илова «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»).

Суднинг ҳал қилув қарорлари устидан шикоят қилиниши муносабати билан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш қисмида суднинг ҳал қилув қарори ҳозирги вақтгача ижро этилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда Суд қарорларини ижро этувчи департаментнинг суд ижрочиларига мурожаат қилиш лозим, чунки суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий тарзда ижро этиш улар зиммасига юклатилган («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон
Республикасидаги
барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли
аудиторларни ишга қабул
қиламиз
Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш
Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99899) 644-62-23,
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ҚАЙСИ ҲУЖЖАТГА АСОСЛАНИШ КЕРАК?

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун* янги таҳрирининг 5-моддасида кўрсатилишича, ... кимё саноати, ...бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 50 киши бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади.

2011 йилдан бошлаб, Президентнинг ПҚ-1529-сон қарорига кўра «кимё саноати» тармоғи бўйича (ХХТУТ коди 13000), «пластмасса буюмлар саноати» кичик тармоғида (ХХТУТ кодлари 13141–13199) кичик корхона учун ходимлар сони 100 кишига қадар бўлиши назарда тутилган.

Мазкур вазиятда нима қилиш керак? Қонун кучига кўра Президент қароридан юқори туради, бироқ қарор бизнес юритиш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни назарда тутати, бугунги кунгача у бекор қилинмаган ва унга ҳеч қандай ўзгартиришлар киритилмаган. Полимер материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс (МЧЖ) (ХХТУТ коди 13142) Президентнинг қарори билан белгиланган мезонга, кичик корхона мақомини сақлаб қолиш учун, амал қила оладими?


Директор.

– Ҳа, мазкур вазиятда юридик шахс Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига (12.05.2011 йилдаги ПҚ-1529-сон, бундан кейин – ПҚ-1529-сон қарор) амал қилишга ва ўз фаолиятида у билан белгиланган кўрсаткични қўллашга ҳақлидир. Бу қонунни бузиш деб ҳисобланмайди.

Конституциянинг 94-моддасига мувофиқ Президентнинг қарорлари республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга.

Кимё саноати соҳасида ўз фаолиятини амалга оширадиган кичик корхоналар учун 50 кишидан иборат чегаравий миқдор илгари ҳам «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг аввалги таҳрири билан (25.05.2000 йилдаги 69-II-сон) белгиланган эди. Бироқ ПҚ-1529-сон қарорнинг 1-бандига мувофиқ ХХТУТ бўйича 13142 коди билан қамраб олинadиган фаолият турлари рўйхатига қиради, унга кўра 2011 йил 1 июндан кичик корхоналар ходимларининг йиллик ўртача сони 50 кишидан 100 кишигача кўпайтирилди.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун (14.12.2000 йилдаги 160-II-сон, бундан кейин – 160-II-сон Қонун) 14-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Конституцияга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва мақомига, шунингдек ҳужжатлар-



нинг турларига мувофиқ белгиланади.

160-II-сон Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва поғонаси 160-II-сон Қонуннинг 5–13-моддаларида белгиланган. Уларда Президентнинг қарорлари назарда тутилмаган. Шу сабабли 160-II-сон Қонун 14-моддасининг иккинчи қисми мазкур ҳолда Қонун ва Президент қарори нормалари ўзаро нисбатини белгиламайди.

Президентнинг мақоми ва ваколатлар доираси ҳам, шунингдек у қабул қиладиган қарорларнинг мажбурий юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар сифатида мақоми ва амал қилиши ҳам Конституция билан белгиланган, 160-II-сон Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Конституция олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Устав фонди МЧЖнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига кўпайтирилганда қандай ҳужжат унинг ҳақиқатан шакллантирилганлиги далили бўлади? Мазкур жиҳат амалий аҳамиятга эга, чунки улгуржи савдога лицензия берадиган орган жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига устав фондининг кўпайганлиги муносабати билан тузилиб, ҳокимликда рўйхатдан ўтказилган устав ва таъсис шартномасига ўзгартиришларни мазкур юридик далилни тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида тан олмаяпти. Солиқ органи эса ўз навбатида тақсимланмаган фойда устав фондига ўтиб, бунинг ҳисобига мазкур фонд кўпаядиган операция акс эттирилган шакллантирилган балансга кўра маълумотнома беришдан бош тортяпти.

М.Нодиров.

УСТАВ ФОНДИ ШАКЛЛАНТИРИЛГАНЛИГИНИ ИСБОТЛАЙМИЗ

– Қонунчилик мазкур ҳужжат (ҳужжатлар)нинг аниқ тури (турлари)ни белгиламаган. Шу сабабли мазкур вазиятда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий қоидалардан келиб чиқиш тавсия қилинади.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон) 16-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади. Мазкур Қонун 17-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамият устав фондини жамиятнинг мол-мулки (мазкур ҳолда – тақсимланмаган фойда) ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (Президентнинг 24.05.2006 йилдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) 33-бандининг мазмунидан келиб чиқиб, МЧЖ мол-мулки (мазкур ҳолда – тақсимланмаган фойда) ҳисобига устав фонди кўпайтирилганлиги муносабати билан таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекцияга бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор (баённома); ўзгартириш матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган матни (икки нусхада);

тадбиркорлик субъекти ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

иштирокчи ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида жамият томонидан муассис-

ларга берилган гувоҳнома нусхалари.

Юқорида келтирилган меъёрлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекция устав фондининг кўпайиши муносабати билан таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни, фақат унинг янги миқдори амалда шакллантирилган тақдирдагина, рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган) 10-бандининг «в» кичик бандига мувофиқ юридик шахс лицензия олиш учун лицензияловчи органга бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3 500 баравари миқдорида устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг, шу жумладан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1 200 баравари миқдорида пул маблағлари киритилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхасини тақдим этиши керак.

Шу тариқа, юқорида баён этилганлар асосида **устав фонди улгуржи савдога лицензия олиш учун зарур миқдорда шакллантирилганлиги далили қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин:**

кўрсатилган маълумотларни (бухгалтерия балансидаги ва ҳоказо) тасдиқлайдиган бухгалтерия ҳисоби ҳужжати (ҳужжатлари) илова қилинган ҳолда гувоҳнома ёки МЧЖнинг бошқа ҳужжати;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатлари (уларга киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда);

ҳисобрақамда камида 3 500 ЭКИХ миқдорида ёки устав фондига қиймати камида 2 300 ЭКИХ бўлган бошқа мол-мулк ҳам киритилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат (толшириш далолатномаси ва ҳоказо) илова қилинган ҳолда камида 1 200 ЭКИХ миқдорида пул маблағлари мавжудлигини тасдиқлайдиган банк ҳужжати (маълумотнома, кўчирма ва ҳоказо).

Реклама



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кў., 1/1;

e-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz. Тел./факс: (99871) 200-00-90, 283-36-34, 283-23-60.

*2.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон Қонун билан тасдиқланган.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ХАРИД НАЗОРАТ ОСТИДА

Товарлар, ишлар, хизматларни давлат буюртмаси доирасида ва бюджет маблағлари ҳисобига, ушбу соҳада давлат назоратини кучайтирган ҳолда реализация қилиш алоҳида ёндашувни талаб этади. Ушбу барча операциялар ҳар доим назорат қилувчи органлар томонидан синчиклаб текширилади, шу боис қўғаларнинг асосланганлигини исботлашга тўғри келишига тайёр туриш лозим. Бунда корхонанинг тўғри тузилган нарх сиёсати ҳамда етказиб берувчи асосли танланганлиги ва нарх калькуляциясининг тўғрилигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти жиддий муаммоларга йўл қўймаслик имконини беради.

Кўп компаниялар текширув чоғида текширувчи:

харидларни амалга ошириш пайтида товарнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва уни талаб қилинаётган миқдорда, муддатда етказиб бериш имконияти ва ҳоказолар тўғрисида тасдиқловчи маълумотларга эга бўлмаган ҳолда очик манбалардан (масалан, Интернетда топилган «сейллар») олинган ахборотдан фойдаланганлиги;

муҳим ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олмаган ҳолда товарнинг бошқа ишлаб чиқарувчилари ва русумларига ўхшатиб ҳисоб-китоб нархларини асос учун қабул қилганлиги;

шартнома тузилган пайтда эмас, балки текшириш даврида амал қилган нархларга асосланганлиги;

сизнинг ҳақиқий СІР (тайинланган жойгача фрахт/ташиш ва суғурталаш) ва ҳоказолар ўрнига EXW (франко-завод) етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб калькуляция қилганлиги;

товарни бутлаш хусусиятларини ҳисобга олмаганлиги;

бошқа хато хулосалар ва ҳисоб-китоблардан келиб чиққанлиги асосида бюджет маблағларини ортиқча сарфланганлиги хусусида айбланадилар.

Бундай ҳолларда тўғри тузил-

*Корхонанинг нарх сиёсатини тузиш бўйича тавсиялар билан norma.uz сайтида танишишингиз мумкин.

ган нарх сиёсати* ҳам ёрдамга келади, унда етказиб берувчилар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва ўтказилганларини ҳужжатлар билан расмийлаштиришнинг бутун жараёни, шунингдек улар билан ёзишма ҳамда сизнинг ҳақлигингизнинг бошқа ишонтирарли ва батафсил «ашёвий далиллари» қайд этилади.

Кўпинча, ҳатто тўғри харид қилиб, ижрочи бундай «исботлаш базаси»ни ўзида тўлиқ ҳажмда



сақламайди. Кейин икки-уч йил ўтгач шошилиш тарзда далил-исботларни мажбурий излаш бошланади, у самара бериши амримаҳол. Аниқроғи, у камдан-кам ҳолларда муваффақиятли бўлади.

АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРНИ САҚЛАЙМИЗ

Маркетинг ва танлов ҳужжатларини архивлаштириш жуда катта аҳамиятга эга. Етказиб берувчилар ва жаҳон нархлари тўғрисида олинган (тасдиқлан-

ган) барча маълумотлар, етказиб берувчилар билан электрон ва қоғоз шаклларда ёзишма, нархлар ва етказиб берувчилар тўғрисидаги ишончсиз (ёзишма жараёнида асосли равишда рад этилган) ахборот тизимлаштирилиши, қоғоз кўринишида босилиши, қоғоз ва электрон шаклларда архивлаштирилиши, бунга почта серверлари ҳам ки-ради, ва имкони борича узоқ сақланиши керак.

Нима учун бу шунчалик муҳим? Чунки сақланиб қолган жонли ёзишмагина текширувчиларга тақдим этилган «сейллар»га нисбатан етарлича далил-исбот бўлиши мумкин. Масалан, сиз ўз сўровларингизни лозим даражада юборгансиз, бироқ етказиб берувчи жавоб қайтармаган, бинобарин, «сейл» – сохталиги ва бундай турдаги товар ҳақиқатда мавжуд эмаслиги аён бўлади. Ёки етказиб берувчи унда талаб қилинганидан камроқ миқдорда товар бор деб жавоб беради. Ёхуд товар бор, бироқ у йўл қўйилмайдиган муддатларда (лойиҳа бўйича та-

8-бетда

ТОВАР ҚИЙМАТИ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАЁТГАНДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН БЎЛГАН МЕЪЁРИЙ ҲУҶЖАТЛАР

• 4-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Товар-моддий захиралар» (молия вазирининг АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) – 13-банд;

• Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида низом (МВ, ИВ, ДСҚ, МБ бошқаруви ва Давстатқўмнинг АВ томонидан 17.09.2004 йилда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) – 14-банд;

• Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат ка-фолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ, Макроиктисодиёт вазирлиги ва Давархитектурурилишнинг АВ томонидан 26.05.2001 йилда 1035-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) – 3-банд;

• Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.09.2000 йилда 974-сон билан рўйхатдан ўтказилган) – 2.1, 2.2, 2.3, 2.5-бандлар;

• Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) – 1.1.12-банд;

• Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини эълон қилиш ва назорат қилиш қоидалари (ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 22.02.2000 йилда 899-сон билан рўйхатдан ўтказилган) – II бўлимнинг 17-банди;

• Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома (ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 13.01.1998 йилда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган) – 3.3, 3.4-бандлар;

• ВМнинг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (21.11.2000 йилдаги 456-сон).

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Ташкилот 2008 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, 12 500 км йўл босган «Toyota Prado» автомобилни сотмоқда. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: (+998 94) 429-67-16, 252-71-22.

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

ТАКЛИФ

«PRECIOUS WHITE STONE» фирмаси ассортиментда арматура, улоқларни таклиф этади. Нархи – келишув асосида.
Тел. (+998 90) 345-53-71.

ИШ

Кейинчалик ШЭХМга киритиш мақсадида ҳужжатларни шакллантириш (матн териш талаб этилмайди) учун 22-35 ёшлардаги ходима ишга таклиф этилади.
Иш ҳақи 500 минг сўмдан юқори.
Резюмеи жўнатиш учун e-mail: interline@list.ru.
Батафсил маълумотлар www.interline.uz сайтида.
Тел. 372-96-80 (Ирина).

22-35 ёшлардаги, DELPHI ни биладиган дастурчи ходима керак. Иш ҳақи 500 минг сўмдан юқори.
Резюмеи жўнатиш учун e-mail: interline@list.ru.
Батафсил маълумотлар www.interline.uz сайтида.
Тел. 372-96-80 (Ирина).

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. (+998 90) 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, туғатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжимадор қилиб ясаш. Арзон. www.golden-kovka.uz. Тел. (+998 90) 955-68-02.

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, сошлаш.
Тел. 963-89-58.

Компьютерлар, ноутбукларни таъмирлаш. Дастурий таъминот ва антивирус ўрнатиш. Жойига чиқиш билан. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: (+998 94) 620-25-05, 276-99-38.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 996-77-87.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ХАРИД НАЗОРАТ ОСТИДА

7-бетда лаб қилинганидек эртага эмас, балки, мисол учун, ярим йилдан кейин) етказиб берилиши мумкин. Арзонлаштириш товарнинг нуқсони билан изоҳланиши, ускуна илгари ишлатилганлиги ва қайта таъмирланганлигидан яширинча гувоҳлик бериши мумкин ёхуд аниқ «сейл» ва унга ўхшаш нарсаларни назарга олмасликнинг бошқа салмоқли сабаблари мавжуд бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Бундай ҳужжатларни тизимлаштириш тартиби ва уни сақлаш муддатларини белгилаш лозим. Бюджет ташкилотлари учун харидларга доир архивни камида 10 йил, камроқ хатарли харидлар бўйича 5 йилгача сақлаш маъқулдир.

МЕЗОНЛАР ҲАММА НАРСАНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Нархнинг харид сиёсатида нималарни қайд этиш лозим? Биринчи навбатда – етказиб берувчиларни танлаб олиш мезонларини. Ортиқча қоғоз-бозликсиз корхонанинг ҳўжалик фаолияти жараёнларини қийинлаштирмаслик ва сусайтирмаслик учун ушбу мезонларни турли йўналишлар (лойиҳалар) бўйича белгилаш маъқул. Масалан, давлат корхоналари учун бюджет буюртманомала-

рини бажариш ва етказиб бериш учун бозор маркетинги ҳамда етказиб берувчиларни танлаб олишда танлов ва ички назоратнинг имкони борича қаттиқ шартларига амал қилиш керак. Ўз эҳтиёжи учун харид қилиш эса бундай ёндашувни талаб қилмайди.

Агар харидлар товар номларининг катта рўйхатини ўз ичига олган давлат буюртмаси бўйича амалга оширилса, вазифа мураккаблашади, чунки ижрочининг бир нечта етказиб берувчилар билан ишлашига тўғри келади. Товарларнинг кенг асортиментига эга бўлган йирик савдо ташкилотларига мурожаат қилиш вазифани енгиллаштиради, бироқ етказиб берувчилар бозорининг маркетинг тадқиқотлари ва нархлар таҳлилини ўтказиш заруратини истисно қилмайди.

Бундан ташқари, нарх сиёсатида ишончли ва ишончсиз ахборот мезонларини белгилаш лозим. Мисол учун, қуйидагилар маркетинг учун ишончсиз ахборот ҳисобланишини кўрсатиш мумкин:

агар етказиб берувчининг ишончлиги шубҳали бўлса, Интернетдаги нотаниш компанияларнинг «Сотилади» ёки «Чегирмалар» белгиси қўйилган товарлар нархлари (етказиб берувчи ёки расмий дистрибьютор

тақдим этадиган чегирмалардан ташқари);

Интернетдаги боғланиб ва ахборот олиб бўлмаган компаниялар «сейллари» ва ҳоказо.

Бундай маълумотлар етказиб берувчилар бозорини ўрганиш учун жуда муҳим, улар ҳам таҳлил қилиниши, баённома билан расмийлаштирилиши ва алоҳида регистрда «Нархлар ва етказиб берувчилар тўғрисида ишончсиз маълумотлар» белгиси остида сақланиши керак.

Баённомада ахборотни «ишончсизлар» рўйхатига киритишнинг барча сабаблари кўрсатилиши ва архив учун ишончсизликнинг барча далиллари (асосан электрон ва қоғоз шаклларда юборилган ва жавобсиз қолган хатлар) сақланиши лозим. Сизнинг манзилингизга ёзма шаклда ёки Интернет орқали расмий тарзда юборилган ахборот ишончли нарх ахбороти ҳисобланади. Яъни етказиб берувчи – ишлаб чиқарувчи, расмий дистрибьютор, савдо компанияси – воситачи томонидан тасдиқланган ахборот. Бу ҳолат ҳам корхонанинг нарх сиёсатида қайд этилиши керак.

ҚОНУНЧИЛИККА АСОСЛАНИБ ВА ЎХШАШИГА КўРА

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари фақат муайян



товар турларига нисбатан бюджет маблағлари ҳисобидан етказиб беришлар бўйича энг юқори устамалар ва рентабеллик даражасини белгилайди. Агар рентабеллик даражаси белгиланмаган етказиб бериш амалга оширилса, худди шундай масалаларни тартибга солувчи йўриқномалардан фойдаланиш мумкин, бу эса Фуқаролик кодексининг 5 ва 6-моддалари талабларига мувофиқ келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тендерларни ўтказиш шартларига кўра ғолибларни танлаб олиш алоҳида позиция бўйича эмас, балки бутун бир лот бўйича амалга оширилади. Лотга кўпдан-кўп номларни киритиш мумкин, қандайдир позициялар бўйича нархлар паст бўлади, бошқалари бўйича эса ўзгаларидан юқори бўлади. Афсуски, назорат қилувчи органлар баъзи ҳол-

ларда ютқазган иштирокчиларнинг лотидан ютиб чиққан иштирокчининг калькуляциясида кўрсатилганидан арзонроқ бўлган алоҳида позицияларни ажратиб олиб, бюджет маблағлари ортиқча сарфланганлиги далилини асослайдилар, ҳолбуки лотнинг умумий қиймати умуман олганда унда камроқ бўлади. Эҳтимол, у баъзи текширувчилар томонидан қонун меъёрларини тушунмаслик ёки, эҳтимол, баъзи ҳолларда ҳолисликнинг йўқлиги билан изоҳланар. Ёки ҳатто меъёрларнинг ўзи етарли эмаслиги билан. Нарх сиёсатининг ўзи ҳаммаси муаммоларни ҳал этмайди, бироқ ҳар қандай ҳолатда унга таяниш мумкин.

Марина КОНДРАТОВА,
«MARIKON AUDIT» МЧЖ
менежери.


ҲАЛОЛ БўЛИШ ҲОЙДАСИ

Давлат харидлари пайтида ноҳалол етказиб берувчиларнинг Россия реестрига нафақат компаниялар, балки жисмоний шахслар ҳам киритилиши мумкин. Ҳалол таъминотчилар учун эса «оқ рўйхат» яратилади. Бундай компания ўз буюртманомасини таъминлаш учун стандартдагига қараганда икки-уч барабар кам гаров тақдим эта олади, бу ҳақда Монополияга қарши федерал хизмат хабар қилди.

Ҳалол етказиб берувчилар реестрини яратиш бўйича норма ҳозир Давлат думасида кўриб чиқиладиган федерал контракт тизими тўғрисидаги қонун лойиҳасига киритилиши мумкин. Бу янгилик ягона лойиҳа эмас. Идоранинг режаларида контрактни тезда бекор қилиш тўғрисидаги меъёрни жорий этиш бор. Бундан ташқари, федерал ижроия ҳокимияти органлари буюртмани марказлаштириш функцияларини ўз зиммаларига олишлари кераклиги мўлжалланаяпти, зарурат туғилганда улар буюртмани «мар-

казлаштиришдан холи қилишлари» ҳам мумкин.

МФХ давлат буюртмасининг барча йўналишларида олдиндан объектив квалификацияни ҳам жорий этиш ниятида. Ҳозир харид ҳажми 50 миллион рублдан ошадиган қурилишда ва болалар таомларини етказиб беришда амал қилаётган ушбу қондани дори-дармонлар, тиббий буюмлар, ёқилғи, асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам – амалда барча нарсага татбиқ этиш ўйланаяпти. Бу ўртача ва йирик кимошди савдола-



рига бунгача кичик контрактларни сифатли бажариб келган компанияларнигина киритиш имконини беради. Шу тариқа, тегишли тажрибага эга бўлмасдан, айталик, ГЭС қурилишига киришиб бўлмайди.

Федерал контракт тизими тўғрисидаги қонунда қайд этилмайдиган қоидаларга келсак, унда давлат буюртмасини бошқариб турадиган махсус идорани ташкил этиш тўғрисидаги

Хориж тажрибаси

норма бўлмайди. Бу меъёр муҳокама ҳам қилинмай қолди. Давлат ва муниципал буюртмалар жойлаштирилдиган электрон савдо майдончалари сони ҳам кўпайтирилмайди. Ишлаб турган бешта майдончанинг ўзи бундан кейин ишлаш учун ўзининг самарадорлигини исботлаши керак.

Давлат харидлари бўйича ягона порталнинг, демак, жамоат назоратининг ҳам пайдо бўлиши билан коррупция учун имкониятлар сезиларли равишда қисқаради.

Давлат буюртмаси сифатининг оширилиши, рақобат муҳитининг пайдо бўлишига ҳалал берадиган ноқонуний йўлларнинг ёпилиши уларни янада камайтириши кутилмоқда.

Хорижий матбуот
материалларидан.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштариолар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслахатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўллайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 596 Адади 2 760. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 19 ноябрда соат 16.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223